

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДОИРАСИДА СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон **Фармони** ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари **1-иловага** мувофиқ;

Сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси **2-иловага** мувофиқ;

Сув хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Сув хўжалиги вазирлиги тизимида:

а) Вазирликнинг марказий аппарати:

сув хўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва унинг амалга оширилишини ҳамда бу борада маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди;

ўз тизимига ва ташкилий бўйсунувига кирадиган ижро этувчи ҳудудий органлари фаолиятини баҳоланишнинг мақсадли кўрсаткичларини белгилайди ҳамда уларга эришиш ишларини мувофиқлаштиради;

ҳуқуқий тартибга солиш функцияси доирасида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати, ҳудудларнинг сув таъминоти, ерларнинг мелиоратив ҳолатига оид муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштиради, ўз ваколати доирасида ҳуқуқий тартибга солиш ва назорат функцияларини амалга оширади;

таркибий тузилмаларни малакали кадрлар билан тўлдириш, уларнинг билим ва кўникмаларини узлуксиз оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

меҳнат фаолиятини амалга ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг муносиб ва адолатли шарт-шароитларини яратади;

сув хўжалиги соҳаси бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда ҳудудий бўлинмаларнинг халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштиради ва умумлаштиради;

б) ҳудудий бўлинмалар:

тегишли ҳудудда сув хўжалиги соҳаси бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда белгилаб берилган мақсадли кўрсаткичларга эришишга қаратилган амалий ва манзилли чора-тадбирларни амалга оширади;

сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати, ҳудуднинг сув таъминоти, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва соҳадаги муаммоларни таҳлил қилган ҳолда, уларни бартараф этиш ҳамда сув хўжалигини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади;

жойларда қонунчилик ҳужжатлари ҳамда топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш чораларини кўради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда давлат назорати тадбирларини амалга оширади.

3. Сув хўжалиги вазирига ўзига юкланган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва таълим ташкилотлари, шунингдек,

халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини маслаҳатчи сифатида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

4. Сув хўжалиги вазирлиги (Б. Камалов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А. Каримов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда 2030 йил якунига қадар Сув хўжалиги вазирлигининг қуйи (туман) бўғинда сув ресурсларини бошқариш, фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш ҳамда сувнинг ҳисобини юритиш функциясининг босқичма-босқич давлат-хусусий шерикликка ўтказилишини таъминласин.

Бунда, 2023 йил сентябрь ойига қадар:

туманларда сув ресурсларини бошқаришни давлат-хусусий шерикликка ўтказиш шартлари ҳамда намунавий шартнома ишлаб чиқилсин;

ушбу лойиҳаларнинг жозибадорлигини ошириш бўйича аниқ рағбатлантирувчи механизмлар белгилаб олинсин;

барча туманларда сув ресурсларини бошқаришни давлат-хусусий шерикликка ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин.

5. Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) этиб қайта номлансин.

Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ташкилий тузилмаси **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг қуйидаги функциялари Инспекцияга ўтказилсин:

барча ер усти сув объектларида сувнинг оқилона бошқарилиши, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидалари (тартиби)га риоя этилиши устидан назорат қилиш;

сув хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

барча ер усти сув объектларида сувдан фойдаланишга доир маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш.

Мазкур бандда белгиланган функцияларни самарали амалга ошириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг сунъий сув объектларида сувдан фойдаланиш назоратини амалга оширувчи 159 та штат бирлиги Инспекцияга ўтказилсин.

7. Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг Инспекциянинг юридик шахс мақомига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, Инспекциянинг марказий аппарати фаолияти Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари фаолияти тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Инспекцияга ер усти сувларидан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини ҳамда сув олиш тартибининг бузиш ҳолатлари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, шунингдек, жисмоний шахсларга нисбатан маъмурий жазо қўллаш ваколати берилсин.

9. Белгилансинки, сув хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилганлиги учун Инспекция томонидан ваколати доирасида қўлланиладиган жарималар миқдорининг 30 фоизи республика бюджетига ва 70 фоизи Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

10. Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги

вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармалари ҳамда Сув омборларидан фойдаланиш бошқармалари фаолиятини молиялаштиришни 2024 йил 1 январдан тегишли маҳаллий бюджетлардан Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган бюджет сўровига асосан Республика бюджетига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

11. «Агробанк» АТБ бошқаруви раиси Р. Маматкулов бошчилигида сув хўжалигидаги ислохотларни жадаллаштириш, сувдан фойдаланишда замонавий тежамкор технологиялар ва илғор тажрибаларни кенг жорий этиш бўйича лойиҳа офиси ташкил қилинсин. Бунда:

а) Лойиҳа офисига қуйидаги ваколатлар берилсин:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ташаббуси билан чиққан тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ташаббусларини Сув хўжалиги вазирлиги билан бирга кўриб чиқиш ва амалга ошириш;

хорижий малакали мутахассисларни жалб қилиш, «Сувчилар мактаби» фаолиятини юритиш ҳамда молиялаштириш;

соҳадаги маҳаллий ва хорижий лойиҳа институтлари (компаниялари) билан тўғридан-тўғри ишларни ташкил қилиш ҳамда шартномалар имзолаш;

б) Лойиҳа офиси:

сув хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини кўллаб-қувватлаш мақсадида соҳа илмий ходимларига 10 млрд сўм миқдорда грант ажратсин;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига сувни тежаш ва ҳисобга олишнинг илғор тажрибаларини жорий қилиш бўйича ахборот киритиб борсин.

12. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Ҳамраев):

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) ва Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда соҳада рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида:

2023-2024 йилларда сув хўжалиги ташкилотларини зарур компьютер техникалари, локал тармоқлар ва замонавий сервер қурилмалари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

2025 йил 1 январга қадар сув хўжалиги соҳасидаги «Вазиятлар маркази» ахборот тизимини тубдан такомиллаштирган ҳолда «Рақамли сув хўжалиги» ягона ахборот тизими яратилиши ва сув хўжалиги бўйича барча дастурий таъминотларнинг мазкур тизимга босқичма-босқич интеграция қилинишини таъминласин;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлашни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига **5-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари **6-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб сув хўжалиги вазири Ш.Р. Ҳамраев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 20 июнь,
ПФ-101-сон

Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари

Қуйидагилар Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

а) ер усти сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни яқкабошчилик асосида ташкил этиш;

б) республика аҳолиси, иқтисодиёт тармоқлари ва атроф-муҳитнинг сувга бўлган муттасил ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитлар яратиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

в) Ўзбекистон Республикасида барча ер усти сув ресурсларини ҳисобга олиш ҳамда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши бўйича назоратни амалга оширишга оид тегишли тадбирларни мувофиқлаштириш, шунингдек, сув балансини шакллантириш;

г) сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш, соҳани ривожлантириш учун хорижий инвестициялар ва техник кўмак маблағлари, шунингдек, малакали хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш;

д) сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини экспертиза қилиш ҳамда амалга ошириш ишларини илмий-техник қўллаб-қувватлаш, соҳада коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий механизмларини такомиллаштириш;

е) қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш салмоғини ошириш, бунда илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий қилиб, давлат томонидан рағбатлантириб бориш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

ж) соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан, сув ресурсларини прогнозлаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва такомиллаштириш ҳамда шаффофлигини таъминлаш, йирик сув хўжалиги объектларининг рақамли технологиялар асосида бошқарилишини ташкил этиш;

з) сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг механизмларини кенг жорий қилиш, электр энергияни тежаш ҳамда соҳага қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш, бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида сувни етказиб бериш харажатларининг бир қисмини босқичма-босқич сув истеъмолчилари томонидан қоплаш тизимига ўтиш;

и) сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар малакасини оширишни тизимли ташкил этиш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этишни таъминлаш;

к) трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва техник кўмак маблағларини жалб қилиш, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш;

л) сув омборлари, сел-сув омборлари бошқа сув хўжалиги объектларининг хавфсизлиги, ишончли ишлаши ҳамда қўриқланиши назорат қилинишини таъминлаш.

Сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси

Ўзбекистон Республикаси Сув
хўжалиги вазирлиги



Сув омборларидан
фойдаланиш
бошқармалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги ПФ-101-сон Фармонига
3-ИЛОВА

Сув хўжалиги соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини
трансформация қилиш бўйича

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
I. Сув хўжалиги вазирлигининг асосий фаолият йўналишларини белгилаш, қабул қилинган ривожлантириш дастурлари, стратегиялар ва концепцияларни амалга ошириш ҳамда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш				
1.	Сув хўжалиги тизимида вазир ўринбосарлари ва тизим ташкилотлари раҳбарлари ўртасида аниқ вазифалар ва функцияларни тақсимлаб, тизим ташкилотлари марказий аппаратлари ва ҳудудий бўлинмаларининг тузилмалари, штат бирликлари ҳамда низомларини тасдиқлаш.	2023 йил июнь	Сув хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Аниқ вазифалар ва функциялар тақсимланиб, тизим ташкилотларининг марказий аппаратлари ва ҳудудий бўлинмаларининг тузилмалари, штат бирликлари, низомлари тасдиқланади ҳамда тегишли вазифалар белгилаб олинади. Натижада, вазирлик ва унинг тизим ташкилотларида ортикча вазифа ва юкламалар олиб ташланади.
2.	Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясини қайта ташкил этиш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2023 йил июль	Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланади. Сув хўжалиги объектларидан хавфсиз ва самарали фойдаланиш ва келгусида вужудга келиши мумкин бўлган хавф хатарларнинг олдини олиш тизими ислоҳ қилинади.
3.	Сув хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2023 йил 10 ноябрь	Сув хўжалиги вазирлиги,	Сув хўжалиги вазирлигининг устувор фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини

			<p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,</p> <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,</p> <p>Табиат ресурслари вазирлиги,</p> <p>манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>	<p>ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси доирасида 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган тадбирлар ижроси таъминланади.</p>
4.	<p>Сув хўжалиги соҳасидаги «Вазиятлар маркази» ахборот тизимини тубдан такомиллаштирган ҳолда «Рақамли сув хўжалиги» ягона ахборот тизимини яратиш ва сув хўжалиги бўйича барча дастурий таъминотларни мазкур ягона тизимга босқичма-босқич интеграция қилиш.</p> <p>Бунда «Рақамли сув хўжалиги» ягона ахборот тизимини яратиш ва уни кейинчалик қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар республика бюджетидан молиялаштирилади.</p>	2025 йил 1 январь	<p>Сув хўжалиги вазирлиги,</p> <p>Рақамли технологиялар вазирлиги,</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги барча маълумотлар ягона ахборот тизимга бирлаштирилади, сув хўжалигига тегишли барча маълумотлар реал вақт режимида кузатиб борилади.</p>
5.	<p>Қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил июль	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>	<p>Қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.</p>
6.	<p>Сув хўжалигининг махсус хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ҳуқуқий</p>	2023 йил сентябрь	<p>Сув хўжалиги вазирлиги,</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,</p>	<p>Қуйи бўғинда сув хўжалигининг махсус хизматлари фаолияти такомиллаштирилади, юзага келаётган муаммолар</p>

<p>жиҳатдан тартибга солиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>сув ресурсларини фермер даласигача етказиб бериш харажатларини мақбуллаштириш орқали тўлов шаффофлиги ошириш;</p> <p>қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сув етказиб бериш бўйича тўловларини мақбуллаштириш;</p> <p>қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини қайта кўриб чиқиш;</p> <p>сув хўжалигининг махсус хизматларини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш назарда тутилади.</p>		<p>манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>	<p>ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.</p> <p>Сув етказиб бериш бўйича тўловлар мақбуллаштирилади.</p> <p>Сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, каналлар ва суғориш тармоқларини бетонлаштиришга йўналтирилади.</p>	
<p align="center">II. Соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга ечим топишга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий чора-тадбирлар, аҳоли учун қулай шароитлар яратиш, фуқароларнинг тизимли муаммоларини ҳал этиш</p>				
<p>7.</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлигига ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан гидрометрия хизмати фаолиятини яхшилаш ҳамда сув олиш нуқталарини сув ўлчаш қурилмалари билан жиҳозлаш ишларини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>2023 йил давомида</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги,</p> <p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги,</p> <p>манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги барча сув хўжалиги ташкилотларининг гидрометрия хизматлари 1 356 нафар олий маълумотли гидрометрлар билан бутланади;</p> <p>220 нафар гидрометрлар гидропостларни аттестациядан ўтказиш ҳуқуқини берувчи тегишли сертификат ва гувоҳномалар билан таъминланади;</p> <p>сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари</p>

			<p>ҳисобидаги 4 288 та гидропост таъмирланади, 2 504 та гидропостнинг паспорти расмийлаштирилади ва аттестациядан ўтказилади;</p> <p>32 та янги сув ўлчаш қурилмалари (вертушка) сотиб олинади ва 95 таси қиёслаш ва тарировка кўригидан ўтказилади;</p> <p>100 та гидрометрик штангалар ҳамда 5 500 та гидрометрик рейкалар сотиб олинади, сув ўлчаш ва назорат ишлари амалга оширилади.</p>
8.	<p>Сув хўжалигида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1. 2023/2024 ўқув йилида 300 нафар «Сув тежовчи суғориш технологияларига хизмат кўрсатиш техниги» бўйича кадрларни тайёрлаш.</p> <p>2. Олий таълим муассасаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидаги тизим ташкилотларида кафедра филиалларини очиш.</p> <p>3. Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг минтақавий филиаллари билан сув хўжалиги тизим ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш чоратadbирларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2023/2024 ўқув йили давомида</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2023 йил июль</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги,</p> <p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги</p> <p>300 нафар «Сув тежовчи суғориш технологияларига хизмат кўрсатиш техниги» йўналиши бўйича мутахассис кадрлар тайёрланади.</p> <p>Олий таълим муассасаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидаги тизим ташкилотларида кафедра филиаллари очилади.</p> <p>Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг минтақавий филиаллари билан Сув хўжалиги вазирлигининг тизим ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ривожланади.</p>

	4. Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида бажарилаётган давлат грантлари ва хўжалик шартномаларига ёш мутахассисларни кенг жалб қилиш.	Доимий равишда		
III. Соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, сувнинг ҳисобини юритиш ҳамда шаффофлигини таъминлаш				
9.	10 937 та сув хўжалиги иншоотларида реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш учун «Smart-Water» («Ақлли сув») тизимини жорий этиш.	2023 йил давомида <i>(тармоқ графиги асосида)</i>	Сув хўжалиги вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Сув хўжалиги объектларида «Smart-Water» («Ақлли сув») қурилмаларининг жорий этилиши натижасида сув назорати ва ҳисоб-китоби тўлиқ онлайн юритилиши таъминланади.
10.	2 100 та мелиоратив кузатув қудуқларини автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказиш.	2023 йил давомида <i>(тармоқ графиги асосида)</i>	Сув хўжалиги вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Мелиоратив кузатув қудуқларида «Дайвер» қурилмаларини ўрнатиш орқали ер ости сизот сувлари сатҳи ва уларнинг минераллашганлик кўрсаткичларининг онлайн мониторинги юритилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш аниқлиги 20 фоизга оширилади.
11.	20 та йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёнларини автоматлаштириш.	2023 йил давомида <i>(тармоқ графиги асосида)</i>	Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги,	Йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёнларини автоматлаштириш орқали уларни масофадан турган ҳолда бошқариш ва 10 фоизгача сувнинг техник йўқолишини олдини олиш ҳамда мазкур жараёнларда инсон омили иштирокини камайтиришга эришилади.

			<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,</p> <p>манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>	
12.	<p>Қашқадарё вилоятининг Миришкор-Қамаши каналида жорий қилинган «Rubicon Water» компанияси технологияларини Касби туманидаги сув хўжалиги объектларида жорий этиш.</p>	2023-2024 йиллар	<p>Сув хўжалиги вазирлиги,</p> <p>Рақамли технологиялар вазирлиги,</p> <p>Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги,</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,</p> <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар</p>	<p>Суғориш тармоқларида мавжуд сув ресурсларини бошқариш тизимлари автоматлаштирилиб, уларни масофадан турган ҳолда бошқариш имкониятлари яратилади.</p> <p>Шунингдек, компания технологияларини жорий этиш орқали каналларга боғланган майдонларни кафолатли сув билан таъминлаш ҳамда 20 фоизгача сув ресурсларини иқтисод қилишга эришилади.</p>
<p>IV. Сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг механизмларини кенг жорий қилиш, электр энергияни тежаш ҳамда соҳага қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш</p>				
14.	<p>52 та сув хўжалиги объектларини молиявий салоҳияти юқори бўлган хусусий секторлар бошқарувига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бериш.</p>	Тармоқ жадвали асосида	<p>Сув хўжалиги вазирлиги,</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари</p>	<p>Хусусий шериклар томонидан инвестиция киритилиши ҳисобига сув хўжалиги объектлари, яъни эски насос агрегатлари янги, замонавий электр тежамкор агрегатлар билан алмаштирилади, шунингдек, ирригация ва мелиорация объектлари модернизация қилинади.</p> <p>Натижада, каналларнинг фойдали иш коэффициенти ошади, суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланади, фойдаланишдан чиққан ерлар қайта ўзлаштирилади ва янги замонавий электр тежамкор насос агрегатлари ўрнатилиб, электр энергияси иқтисод</p>


				килинишига ҳамда Давлат бюджети маблағларининг тежалишига эришилади.
15.	Вазирлик тасарруфидаги тизим ташкилотларининг маъмурий биноларига қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ҳисобига энергия ресурсларини тежаш бўйича 2023 йилда 131,1 кВт қувватдаги қуёш электр панеллари ва 16 350 литр ҳажмдаги қуёш сув иситиш қурилмаларини ўрнатиш.	2023 йил режа-график асосида	Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги	Маъмурий биноларга қуёш электр панеллари ва қуёш сув иситиш қурилмаларининг ўрнатилиши натижасида йилига ўртача 1,2 млн кВт/с электр энергияси тежалишига, энергетика тизимининг ортиқча юкламаси камайишига, республикада олиб борилаётган «яшил энергетика» бўйича ислохотларнинг ҳар бир соҳада жадаллашишига эришилади. Шунингдек, энергия ресурсларини ишлаб чиқаришга сарфланаётган нефт маҳсулотлари тежалиб, ҳавонинг ифлосланиш даражаси пасаяди.
16.	174 та насос агрегатлари ва эскирган 234 та электродвигателларни янгилаш.	2023 йил давомида (режа-график асосида)	Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Насос станциялари ва энергетика бошқармалари томонидан харид қилинган 174 та насос агрегатлари ва 234 та электродвигателларни насос станцияларига ўрнатиш натижасида йилига ўртача 15,3 млн кВт/с электр энергияси иқтисод қилинади ҳамда насос станцияларга бириктирилган экин майдонларининг сув таъминоти яхшиланади.
V. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш				
17.	Шўрланган суғориладиган ер майдонларини 43,9 фоизга камайитириш.	2023 йил декабрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар	14 511 км коллектор тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилади, 386 км коллектор-дренаж тармоқлари ва 24 та гидротехника иншоотлари қурилади ва реконструкция қилинади.

			Кенгаши ва вилоят хоқимликлари	Амалга ошириладиган тадбирлар натижасида 105 минг гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилади.
VI. Сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш				
18.	Сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари доирасида хорижий инвестициялар ҳисобидан 116 млн АҚШ доллари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 9,3 млн АҚШ доллар, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 208 млрд сўм ўзлаштириш.	2023 йил давомида	Сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	324,5 км каналлар, 665 дона гидротехник иншоотлар реконструкция қилинади, 5 та насос станция модернизация қилинади, 140 та объектларга автоматлаштирилган тизим ўрнатилади. Дастлабки кредит қиймати 137,8 млн АҚШ доллари бўлган «Сув таъминоти самарадорлигини ошириш мақсадида дарё ўзанлари ва каналларни тозалаш учун 23 та земснарядларни сотиб олиш» ҳамда «Қорақалпоғистон Республикасида «Суенли» каналини реконструкция қилиш» лойиҳалари бўйича Қарз битимларининг имзоланишига замин яратилади.
19.	Ислон тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш» лойиҳаси доирасида Хазарбоғ-Оққапчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш.	2023 йил декабрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Лойиҳа амалга ошириладиган ҳудудларда жами 103,4 минг гектар майдонлар сув таъминоти яхшиланади. «Шеробод» насос станциясининг 2 та агрегати, «Бандихон-2» ва «Дўстлик» насос станцияларининг иш фаолияти тўхтатилиши ҳисобига Шеробод туманининг 38,5 минг гектар суғориладиган ер майдонлари ўзиоқар сув билан таъминланади. Шунингдек, йилига ўртача 62,1 млн кВт электр энергияси иқтисод қилинади.
VII. Вазирлик ва тизим ташкилотлари кесимида коррупция авж олган соҳалар, унинг ривожланиш сабаблари ва шартларини ўрганиш ҳамда коррупция омилларини бартараф этиш				

20.	<p>Соҳада коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган идоравий дастурни Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқлаш.</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ҳузурида мазкур дастурнинг ижро этилиши ҳамда сув хўжалиги соҳасида коррупция омилларини бартараф этиш ҳолатини муҳокама қилиш.</p>	<p>2023 йил июль</p> <p>2023 йил 1 декабрь</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги,</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги,</p> <p>Бош прокуратура,</p> <p>Олий суд,</p> <p>Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши</p>	<p>Коррупцияга қарши курашишнинг механизмларини такомиллаштириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган идоравий дастур ишлаб чиқилади.</p> <p>Натижада, тизимли равишда сув хўжалиги соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади ҳамда манфаатлар тўқнашувига қарши механизмлар тартибга солинади.</p>
VIII. Вазирлик ва тизим ташкилотлари ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш				
21.	<p>Сув хўжалиги вазирлиги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтига бириктирилган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-4 11-уй манзилида бўш турган 1,2 гектар ер майдонга Сув хўжалиги тизими ходимлари учун «тайёр ҳолда топшириш» шартлари асосида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирадиган хусусий инвестор (бош пудратчи ташкилот)ни жалб қилиш.</p> <p>Турар жой объектини топшириш ишларини ташкил этиш.</p>	<p>2023 йил июнь</p> <p>2024 йил декабрь</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга эришилади.</p>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги ПФ-101-сон Фармониغا
4-ИЛОВА

**Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш
инспекциясининг ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги ПФ-101-сон Фармониغا 5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон Фармониغا 1-иловада:

а) «4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» бўлимида:

«Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» позицияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	2 153	1 133	1 020
---------------------------	-------	-------	-------

»;

«Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси» позицияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

5. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси	308	303	5
--	-----	-----	---

»;

б) «5. Сув хўжалиги вазирлиги» бўлимида:

«Сув хўжалиги вазирлиги» позицияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

Сув хўжалиги вазирлиги	1 316	1 316	
------------------------	-------	-------	--

»;

«Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси» позицияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

1. Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси	182	182	
---	-----	-----	--

».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 21 ноябрдаги «Аму-Бухоро ирригация тизимини қайта тиклаш» лойиҳасини амалга оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2073-сон қарорининг рус тилидаги матни 1-бандининг учинчи хатбошисидаги «10 лет (2014 — 2023 годы)» сўзлари «11 лет (2014 — 2024 годы)» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 апрелдаги «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққапчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2332-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «8 лет (2015 — 2022 годы)» сўзлари «9 лет (2015 — 2023 годы)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

8-позиция куйидаги тахрирда баён этилсин:

«

8.	Продолжительность инвестиционного периода	лет	9				
----	---	-----	---	--	--	--	--

».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 августдаги «Аму-Бухоро ирригация тизимини тиклаш» лойиҳасини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2396-сон қарорига 1-илованинг рус тилидаги матнида:

а) 2.1-позициянинг бешинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«

	строительство трубопроводов для насосной станции Кызылтепа-1	тыс. долл. США	12 839,6				12 839,6
--	--	----------------	-------------	--	--	--	-------------

»;

б) 2.4-позиция куйидаги тахрирда баён этилсин:

«

2.4	физические непредвиденные расходы	тыс. долл. США	16 292,8				16 292,8
-----	-----------------------------------	----------------	-------------	--	--	--	-------------

»;

в) 8-позициядаги «2014 — 2023 гг.» сўзлари «2014 — 2024 гг.» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5055-сон қарорида:

а) 1 — 4-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 6-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисобласин;

в) 8-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Марказнинг буюртманомаларига мувофиқ уни белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқа воситалари билан ҳамда юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини таъминласин»;

г) 1 — 11-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-144-сон қарорининг 8-бандида:

а) иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари таркибида 1 штат бирлигидан иборат ички аудит гуруҳи бош инспектори лавозими (кейинги ўринларда — ички аудит гуруҳи бош инспектори) жорий этилсин»;

б) «а» кичик банддаги «ИТХБ ички аудит гуруҳлари» сўзлари «ички аудит гуруҳи бош инспектори» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) «б» кичик банддаги «ИТХБ ички аудит гуруҳларининг» сўзлари «ички аудит гуруҳи бош инспекторининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-145-сон қарорининг 5-

банди **биринчи хатбошисидаги** «2023 йил якунига қадар» сўзлари «2026 йил якунига қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 апрелдаги «2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-113-сон қарорининг **4-иловаси** 25-позициясининг «Амалга ошириш механизми» устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ерларнинг шўрланиш даражасини пасайтириш. Бунда:

14,3 минг км коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш;

2,1 минг дона мелиоратив қудуқларга ерости сувлари минераллашувини онлайн назорат қилувчи қурилмаларни ўрнатиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича шўрланган майдонлар харитасини ишлаб чиқиш».

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 95-сон **қарорида**:

а) 2-банднинг **тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«туман ишчи гуруҳлари томонидан сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш ишларини жойларда пухта ўрганиб, субсидия ажратилиши юзасидан тегишли ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштирилишини назорат қилиб боришга»;

б) **1-илова** қуйидаги мазмундаги 21-банд билан тўлдирилсин:

«21. Пахта хом ашёсини етиштириш учун томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича «Agro-subsidiya» ЯАТ орқали талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар Сув хўжалиги вазирлигининг Ички аудит, комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ички аудит гуруҳи бош инспекторлари томонидан ўрганилади.

Сув хўжалиги вазирлигининг Ички аудит, комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ички аудит гуруҳи бош инспекторлари:

пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича «Agro-subsidiya» ЯАТ орқали келиб тушган талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни ўн кунда таҳлил қилади;

агар тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотларда камчилик аниқланса, жойига чиққан ҳолда технологиянинг ишлаш жараёнини ўрганади;

пахта хом ашёсини етиштириш учун томчилатиб суғориш технологияси жорий қилган талабгорларга субсидия ажратиш ёки ажратмаслик тўғрисидаги хулосаларни ҳар беш кунда Сув хўжалиги вазирлигининг Сувни тежайдиган, илмий ва инновацион технологияларни жорий қилиш бошқармасига тақдим қилиб боради»;

в) Низомга **4-иловадаги** Пахта, донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш схемасида:

2-босқичнинг «Чора-тадбирлар» блоки бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар расмийлаштирилгандан сўнг «Agro-subsidiya» ЯАТ орқали тегишли вазирлик ва идораларга юборилади»;

3-босқич чиқариб ташлансин;

4-босқичнинг «Чора-тадбирлар» блоки биринчи хатбошисидаги «тақдим этилган талабгорлар рўйхатларини» сўзлари «Agro-subsidiya» ЯАТ орқали келиб тушган хулосаларни» сўзларига ҳамда иккинчи хатбошисидаги «рўйхатларга» сўзи «хулосаларга» сўзи билан алмаштирилсин;

5-босқичнинг «Чора-тадбирлар» блоки биринчи хатбошисидаги «галабгорлар рўйхатларини» сўзлари «хулосаларни» сўзи билан ҳамда иккинчи хатбошисидаги «рўйхатларга» сўзи «хулосаларга» сўзи билан алмаштирилсин;

5-босқичнинг «Чора-тадбирлар» блоки биринчи хатбошисидаги «ва умумлаштиради» сўзлари чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги ПФ-101-сон Фармониға
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари

РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5497-сон Фармониға 1-илованинг **69-банди**.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6200-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-167-сон Фармониға 1-илованинг **4-банди**.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3672-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларға бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сон қарорига 33-илованинг **8-банди**.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5090-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4486-сон қарорининг **13-банди** ҳамда **7-илоvasи**.

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.06.2023 й., 06/23/101/0412-сон; 03.01.2024 й., 06/24/221/0003-сон; 08.05.2024 й., 06/24/74/0332-сон; 23.11.2024 й., 06/24/184/0954-сон)